

Мусулмонларнинг нозик жиҳатларини очиш



15:02 / 17.06.2019 3033

Али розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени, Зубайрни ва Миқдод ибн Асвадни юбора туриб: «Хох номли боққа боринглар. У ерда бир чўрини учратасизлар. Унда мактуб бор. Ўша мактубни олиб келинглар», дедилар. Биз йўлга тушдик. Отларимизни чоптириб, боққа етиб бордик. У ерда чўрини учратдик. Унга: «Мактубни чиқар», деган эдик, у: «Менда ҳеч қандай мактуб йўқ», деди. «Ё мактубни чиқариб бер ёки кийимларингни ечиб тинтамиз», деганимиздан кейин турмакланган сочининг орасидан мактубни чиқариб берди. Уни олиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келтирдик. Унда: «Ҳотамибн Абу Балтаъадан Макка аҳлининг айрим мушрикларига» дейилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи ишлари ҳақида хабар берган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Ҳотам, бу нима?» деб сўраган эдилар, у: «Ё Расулуллоҳ, хулоса чиқаришга шошилманг. Мен

Қурайшлик эмасман. Фақат улар билан қўшни эдим. Сиз билан бирга бўлган муҳожирларнинг эса Маккада қолган бола-чақаларини ҳимоя қиладиган қариндошлари бор. Менинг бундай насаб-қариндошларим бўлмагани боис уларга яхшилик қилишни ва бунинг эвазига у ёқда қолган яқинларимни ҳимоя қилишни хоҳладим. Бу ишни кофир ва муртад бўлганимдан ёки Исломдан сўнг куфрга рози бўлганимдан қилмадим», деди. Расулуллоҳ: «У ростни айтди», дедилар. Шунда Умар: «Ё Расулуллоҳ, ижозат беринг, мен бу мунофиқларнинг калласини олай», деган эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У Бадрда қатнашган. Сен қаердан биласан, эҳтимол Аллоҳ Бадр аҳлининг қай аҳволга тушганини билгани боис: «Истаган ишингларни қилинглар, сизларни мағфират қилдим», дегандир», дедилар».

Мазкур ҳадисда баён қилинишича, Умар розияллоҳу анҳу Ҳотам ибн Абу Балтаъани қилган иши учун ўлдирмоқчи бўлганлар. Бироқ у Бадр ғазоти иштирокчиси бўлгани боис, уни қатл этишни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ман қилганлар.

Агар Исломнинг заифлашиши, мусулмонларнинг қатл этилиб, асирга олиниб, талон-тарожга учрашларига жосус-айғоқчи сабабчи бўлса, у фасод тарқатувчи, экин ва наслларни ҳалок этувчилардан ҳисобланади. Бинобарин, уни жазолаш, қатл этиш шарт бўлиб қолади. Аллоҳдан афв ва офият тилаймиз.

Чақимчилик гуноҳи кабира ҳисобланса, жосуснинг чақимчилиги янада улканроқ, каттароқ гуноҳ бўлишини ҳар бир эс-ҳушли одам яхши билади. Аллоҳ Ўз паноҳида сақласин. Ундан афв ва офият тилаймиз. У меҳрибон, ҳар нарсадан хабардор, марҳаматли ва саховатли зотдир.

«Гуноҳи кабиралар» китобидан